БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 233 (724)

27 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## БУГУНГИ СОНДА:

Руминия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келди (1-бет).
Н. А. Булганин Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Киву Стойкани қабул қилди. (1-бет).
Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси Тошкентга келди (1 ва 2-бетлар).
Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ҳузурида бўлди. (2-бет).
Кўп тиражли газеталар саҳифаларидан (2-бет).
МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ —УМУМХАЛҚ ИШИ: **З. Исроилов.** —Эр йигитнинг жойи — иш қайнаган ерда (2-бет).
**Дала ишларини конвейер усулида уюштириб, барча ҳосилни тезроқ йиғиб олайлик ва шудгорлашни кучайтириб юборайлик! П. Холиқов.** — Янги агротехникани кенг қўлланиб.
**Б. Халилов.** — Секретарь боришга тавсия этмаган колхозларда (3-бет).
ҲИКОЯ: **Абат Алиев.** — Субутсиз (3-бет).
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XI сессияси (4-бет).
Руминия-Венгрия музокаралари тўғрисида қўшма ахборот (4-бет).
Англия, Франция ва Исроил табаалари Мисрдан жўнаб кетди (4-бет).

## Бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари

Областимиз шаҳар ва районларидаги бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилишлар КПСС XX съезди томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифаларни бажариш учун курашда бутун совет халқининг, шу жумладан областимиз меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ғоят ошган ва меҳнат ғайрати янада юксалган бир вазиятда ўтмоқда.

Маълумки, партия ташкилотлари XX съезд белгилаб берган муҳим вазифаларни амалга ошириш учун курашиб, хўжаликка кўпроқ амалий, конкрет ва оператив раҳбарлик қила бошладилар, омманинг ижодий активлигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролини оширишда кўпгина ишлар қилдилар. Партиямиз Марказий Комитети томонидан шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш тадбирларининг белгилаб берилганлиги коллектив раҳбарлик принципларини тиклаш ва партия ички демократиясини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозир саноат корхоналари, муассасалар, колхоз, совхоз ва МТСларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия ички демократияси нақадар мустаҳкамланганлигини ва партиялилар оммасининг сиёсий активлиги ғоят ўсганлигини кўрсатмоқда. Коммунистлар партия ташкилоти ишидаги камчилик ва хатоларни юз-хотир қилмай дадиллик билан очиб ташламоқдалар ҳамда бу камчиликларни узил-кесил бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар.

Оҳангарон шаҳридаги 9-шахта партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтди. Сўзга чиққан коммунистлар партия ташкилоти ишидаги жиддий камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташладилар. Партия ташкилотининг бюро аъзолари асосан раҳбар ходимлардан иборат бўлиб, улар орасида ишчилар жуда кам. Муҳокама қилинадиган масалалар кўпинча партия бюросининг секретари Қодиралиев, шахта бошлиғи Маев, касаба союз комитетининг раиси Давидович ўртоқларнинг иштирокида кўрилади. Бу ҳақда коммунистлар, оддий ишчилар ва инженер-техник ходимлар хабардор қилинмайди, шунинг учун ҳам партия ташкилоти қабул қилган қарорларнинг кўпи бажарилмай қолади.

Ҳозир бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия ташкилотларининг олиб бораётган амалий ишига, хўжалик вазифаларига раҳбарлик қилишдаги, партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни уюштиришдаги фаолиятларига якун ясайди ҳамда улар олдида турган навбатдаги янги вазифаларни белгилаб беради.

Саноат корхоналари, колхоз, совхозлар ва МТСларга ишнинг кўзини билиб, конкрет раҳбарлик қилмоқ учун даставвал ҳар бир хўжаликнинг экономикасини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш керак. Шу сабабли хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишда юз берган ҳар қандай камчиликларнинг содир бўлиш сабабларини чуқур анализ қилиб, уларни тугатиш билан ишда умумий юксалишга эришиш тадбирларини белгилаш — ҳисобот-сайлов йиғилишларининг диққат марказида туриши керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида идеология масалаларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Пропаганда иши коммунистик қурилиш практикаси билан, ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз ва совхоз олдида турган конкрет вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилиши шарт. КПСС XX съезди қарорларининг амалга оширилиши натижасида идеология ишлари бирмунча яхшиланди. Бироқ, пропаганда ва агитация ишларини олиб боришда баъзи жойларда ҳали догматизм ва қироатхонликка тамомила барҳам берилгани йўқ. Бу соҳадаги камчиликлар қанчалик тез бартараф этилса, партия ташкилотлари оммани сиёсий-хўжалик вазифаларини бажаришга шунчалик муваффақиятли сафарбар эта оладилар.

Шаҳар ва район партия комитетлари барча бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг пухта тайёргарлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтишига бошчилик қилишлари лозим. Йиғилишларда коммунистларнинг актив иштирокини таъминлаш йўли билан айрим раҳбар ходимларнинг бюрократик иш услубларини, омма билан ишлашдаги сансалорликни, кадрларнинг сиёсий савиясини оширишга юзаки қараш фактларини очиб ташлаш керак.

Айрим шаҳар ва район партия ташкилотларининг баъзи ходимлари ўтган сайловларда бошланғич партия ташкилоти секретарлигига коммунистларнинг хоҳишидан ташқари тавсия этилган кишиларни сайлашга уриниб, партия ички демократиясини бузишга йўл қўйган эдилар. Бу галги сайловларда ана шундай қўпол хатоларга мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим.

Областимиздаги партия ташкилотлари ҳозирги вақтда асосий эътиборни партия XX съезди томонидан қўйилган муҳим вазифаларни бажаришга қаратмоқдалар. Саноат корхоналарининг партия ташкилотлари олтинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақага бошчилик қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эса пахта тайёрлаш давлат планини муваффақият билан адо этиб, эндиликда мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган янги социалистик мажбуриятни бажариш учун курашмоқдалар.

Ана шундай шароитда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ишчанлик билан, юксак савияда, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш шиори остида ўтказайлик. Шунга эришайликки, бу йиғилишлар олдимизда турган хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам берсин, коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада оширишга хизмат қилсин.

## Руминия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келди

Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Киву Стойка бошчилигида Руминия Халқ Республикасининг Ҳукумат делегацияси 26 ноябрда Москвага келди.

Москва қардош халқ вакилларини қизғин кутиб олди. Руминия делегацияси тушган поезд келгунча Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари Киев вокзалида тўпландилар. Улар социалистик лагернинг бирлиги учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашдаги умумий мақсад билан бирлашган румин меҳнаткашларига ўзларининг самимий хайрихоҳлик ҳисларини изҳор қилмоқ учун бу ерга келдилар.

Руминия Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари билан безатилган перронда фахрий қоровул саф тортиб турди.

«Хуш келибсиз! Яшасин Руминия ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!» деган сўзлар катта алвонларга румин ва рус тилларида ёзиб қўйилган эди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари А. И. Микоян ва М. З. Сабуров, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. А. Яснов, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлари П. Я. Антропов, В. Г. Бакаев, Б. П. Бешчев, Н. П. Дудоров, М. А. Евсиенко, В. П. Елютин, А. Г. Зверев, И. Г. Кабанов, А. К. Кортунов, Н. А. Михайлов, С. М. Тихомиров, Москва Совети Ижроия Комитетининг Раиси Н. И. Бобровников, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико, Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, Москва шаҳри коменданти генерал — майор И. С. Колесников, СССР Министрлар Советининг ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари меҳмонларни кутиб олдилар.

Кутиб олиш учун келганлар орасида Москвадаги Руминия Элчихонасининг ходимлари, дипломатик корпус аъзолари, шунингдек совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

Соат 11 дан 5 минут ўтганда поезд духовой оркестр садолари остида платформа олдига келиб тўхтади. Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Киву Стойка билан бирликда ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари — Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Александру Бирлэдяну, Госплан раиси Георге Гастон Марин, Молия министри Маня Мэнеску, Ташқи савдо министри Марчел Попеску ва уларнинг ҳамроҳлари вагондан чиқадилар.

СССРнинг Руминиядаги элчиси А. А. Епишев меҳмонлар билан бирликда Бухарестдан келди. Делегацияни кутиб олмоқ учун Совет-Руминия чегарасига борган Руминия Халқ Республикасининг СССР даги Элчиси Михай Даля, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличев, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлим мудирларининг ўринбосарлари М. А. Попов ва Б. Г. Лопатенко ҳам Москвага қайтдилар.

Совет раҳбарлари Руминия ҳукумат делегацияси аъзоларини қизғин табрикладилар. Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Киву Стойка фахрий қоровулнинг рапортини қабул қилди. Катта Вокзал биносининг гумбази остида совуқ ҳавода Руминия Халқ Республикасининг ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари тантанали янгради.

Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси министрлар, чет давлатларнинг элчилари билан саломлашди. Перронга тўпланган москваликлар Руминия Халқ Республикаси Ҳукумат делегациясининг бошлиғини ва аъзоларини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Киву Стойка микрафон олдига келиб сўзлаган нутқида бундай деди:

Ўртоқ Министрлар Советининг Раиси!

Ўртоқлар, дўстлар!

Делегациямизнинг Москвага, улуғ Совет Иттифоқининг пойтахтига келиши бизга катта хурсандлик бағишлайди. Руминия Ишчи Партиясининг Марказий Комитети ва Руминия Халқ Республикасининг Ҳукумати ҳамда бутун румин халқи номидан Сизларга ва Сизлар орқали совет халқига жуда қизғин ва самимий салом топширишимга ижозат бергайсиз!

Бизнинг делегациямиз румин халқининг ўзига энг яхши қардош ва дўст деб ҳисоблаб келаётган улуғ совет халқига қардошлик муҳаббати ҳисларини ўзи билан олиб келди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари шуни ҳеч қачон унутмайдиларки, Руминияни фашистлар асоратидан озод қилмоқ учун совет халқининг фарзандлари румин халқининг фарзандлари билан биргаликда ўз қонларини тўкдилар, бунинг натижасида вужудга келган шароитда халқимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ва бахтли турмуш қуришга киришди.

Румин халқининг ўз ватанини иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш соҳасида қилаётган ижодий меҳнати, меҳнаткашлар турмуш даражасининг тўхтовсиз ошаётганлиги Совет Иттифоқи томонидан ҳамиша қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизни қизиқтираётган масалалар юзасидан Совет ҳукумати билан музокаралар олиб бормоқ учун Совет Иттифоқи пойтахтига келдик. Биз шу нарсага қаттиқ аминмизки, социалистик мамлакатлар учун характерли бўлган ҳамкорлик ва қардошларча ўзаро ёрдамлашиш руҳида олиб бориладиган бизнинг музокараларимиз тўла муваффақият қозонади, халқларимизнинг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишига янги ҳисса қўшади.

Империалистик агрессив доиралар социалистик мамлакатларнинг бирлигини бузишга интилаётган ва тинчлик ишига ҳамда халқлар эркинлигига таҳдид солаётган ҳозирги пайтда социалистик мамлакатларнинг қардошларча дўстлиги уларнинг социализмга бориши ва бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишлари учун энг бақувват гарантия бўлиб тобора мустаҳкамланмоқда. Руминия Халқ Республикаси ҳукумати ишчилар синфининг ва бутун румин халқининг чуқур ишончини изҳор қилиб, улуғ Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамда тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган ҳамма халқлар билан ўзининг дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини муттасил мустаҳкамлаб ва кенгайтириб боришни ўз ватанининг асосий манфаатлари талаб қилаётган ўзининг асосий халқаро бурчи деб ҳисоблайди.

Яшасин Руминия Халқ Республикаси билан улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстлик!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Руминия ҳукумати бошлиғининг бу нутқини тўпланганлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. (ТАСС).

## Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетига, Қирғизистон ССР Министрлар Советига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети шуни мамнуният билан қайд этадиларки, Қирғизистон ССР пахтакорлари КПСС XX съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида анча иш қилдилар, пахтадан яхши ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта топшириш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 145 минг тонна, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 минг тонна кўп пахта топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Қирғизистон ССР колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходимларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва улар КПСС XX съездининг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш устида бундан буён тағин ҳам кўпроқ ғайрат билан ишлайдилар деб ишонч билдирадилар.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

**ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

## Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Октябрь районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Муҳамедов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**) берилсин. Бу район социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришиб, 21 ноябрдан 26 ноябргача 2,23 процент миқдорида пахта тайёрлаган ва олинган мажбуриятни 101,57 процент бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган. Кўчма Қизил байроқ Октябрь районига Бекобод районидан олиб берилсин.

Область ижроия комитети ва область партия комитети ноябрь ойининг бешинчи беш кунлигида **Калинин** ва **Оҳангарон** районларидаги колхозларнинг яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

## Н. А. БУЛГАНИН РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ КИВУ СТОЙКАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 26 ноябрда Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Киву Стойкани қабул қилди.

Қабул вақтида Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Бирлэдяну Александру, Руминиянинг СССРдаги Элчиси Даля Михай, СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Н. С. Патоличев, СССРнинг Руминиядаги Элчиси А. А. Епишев ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

## Халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг делегацияси Тошкентга келди

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўз мамлакатида тез суръатлар билан социалистик жамият қураётган улуғ хитой халқига нисбатан самимий дўстлик ва қардошлик туйғуларига тўлгандир. Ўзбек халқи Хитой Халқ Республикасининг эришаётган муваффақиятларини бениҳоя қувонч ва завқ билан кузатиб бораётир. Хитой Халқ Республикасининг муваффақиятлари зулм ва эксплуатациядан озод бўлган халқ нималарга эриша олишини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси делегациясининг 25 ноябрда Тошкент меҳнаткашлари билан бўлган учрашуви совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

Ўзбекистон пойтахти байрам тусини олган эди. Шаҳар кўчалари ва майдонлари Совет Иттифоқи билан биргаликда социализм, тинчлик ва демократия лагерининг олдинги сафларида бораётган Хитой Халқ Республикаси шарафига табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди. Ўнларча транспарантларда хитой, рус ва ўзбек тилларида мана бундай табрик сўзлари такрорланади: «Ўз мамлакатида муваффақият билан социализм қураётган улуғ хитой халқига қардошлик саломи!», «Яшасин Хитой Халқ Республикаси! Бутун дунёда тинчликнинг қудратли фактори совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги гуллаб-яшнасин!», «Хитой халқининг вакилларига қардошлик саломи!».

Меҳнаткашларнинг юзларча вакиллари азиз меҳмонларни кутиб олиш учун Тошкент аэродромига келдилар. Аэровокзал биноси устида Хитой Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Вокзалнинг катта дарвозаси устига тортилган қизил алвонда улуғ Хитой халқининг вакилларига оташин табрик сўзлари ёзилган.

Делегацияни кутиб олиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Бабков ва П. Сеитов, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Ф. Х. Хўжаев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Госплани раиси М. М. Мусахонов, республика министрлари М. Ю. Қурбонов, Х. А. Маърупов, М. В. Муҳамаджонов, А. Э. Ниёзов, Р. С. Соатов, И. В. Стрельцов, С. И. Умаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ҳ. М. Абдуллаев, Олий Совет ташқи ишлар комиссиясининг аъзолари Б. Г. Мирзабеков, Қ. Р. Рўзметов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Х. Р. Мусахонова, И. А. Раҳимов, П. М. Сазонов, С. С. Черник, Н. А. Черников, М. Ш. Шералиев, А. И. Шукуратов, Х. И. Юсупова, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, фан, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар аэродромга чиқдилар.

Соат 4 у 40 минут. ТУ-104 реактив самолёти аэродромга қўнади. Самолётда Хитой Халқ Республикасидан келган меҳмонлар бор эди. Йиғилганлар Хитой парламент делегациясининг аъзоларини давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг делегациясига халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосари, Пекин шаҳрининг мэри Пин Чжэнь бошчилик қилади. Келганлар орасида делегация бошлиғининг ўринбосарлари: халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг депутати, Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Умум Хитой комитети раисининг ўринбосари, Хитой Демократик иттифоқи раисининг ўринбосари, деҳқон ишчи демократик партиясининг раиси, йўллар министри Чжан Бо-цзюнь, халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг депутати, Хитой демократик қурилиш уюшмаси раисининг ўринбосари, Умум Хитой савдо саноат уюшмаси раисининг ўринбосари, Чунцин шаҳри мэрининг ўринбосари Ху Цзи-ан, депутатлардан Ван Юнь-шэн, Оу Танлян, Юэ Сун-шэн, Жэнь Го-дун, Лю Чан-шэн, Лу Гуань-и, У Кэ-цзян, Ли Го-вэй, Ли Чунь-цинь, Чжоу Шу-тао, У Синь-юй, Чэнь Ци-ю, Лан Сянь-фэн, Ма Тэнай, Гао Чун-мин, Лян Си, Го Ди-хо, Лу Ши-цзя, Чэн Ян-Цю, Хуан Шаохун, Чжао Цин-фу, Лун Юнь, Хань Чжао-э, Янь Цзин-яо бор.

Хитой парламент делегациясининг Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳатида ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети депутати А. М. Румянцев меҳмонлар билан бирга Тошкентга келди.

Олий Советларнинг депутатлари ва Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг аъзолари улуғ хитой халқининг вакиллари билан дўстларча қўл бериб кўришадилар. Пионерлар меҳмонларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. И. Илҳомова меҳмонларга табрик нутқи билан мурожаат қилади. Ж. И. Илҳомова бундай дейди:

— Азиз ўртоқлар, дўстлар! Сизларни—Улуғ хитой халқининг ва унинг Олий ҳокимият органи—халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг шонли вакилларини Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан самимий табриклашга рухсат этгайсиз.

Азиз меҳмонлар, сизларнинг Ўзбекистонга келишингиз республикамизнинг ҳаётида катта ва қувончли воқиадир. Ватанимиздаги барча кишилар қаторида ўзбек халқи ҳам шонли хитой халқини унинг Совет Иттифоқига бўлган дўстона ҳислари учун, унинг меҳнатсеварлиги ва бутун дунёда тинчлик учун кураш ишидаги мислсиз катта хизматлари учун чинакам севади.

Хитой Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги остида хитой халқи эришган муваффақиятлар учун чин кўнглимиздан қувонамиз. Азиз ўртоқлар, СССР халқлари оиласида ўзининг бахтига эришган ўзбек халқининг ютуқлари билан сизларни таништириш шарафига муяссар бўлганлигимиз учун ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан биргаликда мамлакатимизда коммунизм қуриш учун ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун муваффақиятли кураш олиб бораётган ўзбек халқининг ҳаёти билан яхшироқ танишишингиз учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга ҳаракат қиламиз.

Яшасин Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасидаги бузилмас дўстлик!, Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси делегациясининг бошлиғи ўртоқ Пин Чжэнь микрофон ёнига келади.

— Азиз ўртоқлар ва дўстлар,— дейди у.—Улуғ мамлакат—СССРга келган бизнинг делегациямиз ҳамма ерда самимий ва қардошларча кутиб олинди. Бугун биз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг гўзал пойтахтига келдик. Бизни самимий кутиб олганликларингиз учун делегациямизнинг ҳамма аъзолари ва бутун хитой халқи номидан чин кўнгилдан ташаккур айтишга рухсат этгайсиз.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).



**Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси делегациясининг Тошкентга келиши. Суратда:** Меҳмонларни Тошкент аэропортида кутиб олиш. Делегация раҳбари ўртоқ **Пин Чжэнь** микрофон олдида нутқ сўзламоқда.

**А. Палехов ва И. Глауберзон** фотоси.

